



**АЖДОДЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН
ШАХСНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
ОИД ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРНИНГ РИВОЖЛANIШ
ДИНАМИКАСИ**

**Пазылова Меруерт Ермекбаевна,
Нукус давлат педагогика институти
педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди**

Аннотация. Мазкур мақолада аждодларимизнинг илмий-бадиий мероси, улар томонидан яратилган асарларда миллатимиз ёшларининг ақий, маънавий, маданий камолотини таъминлашига хизмат қиласиган кўплаб ёндашувлар ўз аксини топган. Бундай қарашлар бугунги кунда ҳам таълим-тарбия мазмунини бойитишга ўзига хос тарзда хизмат қиласи.

Калит сўзлар: буюк мутаффакирлар, тасавур, ўқув-билив, идрок этиши, руҳий-маънавий қувват, ўқув-билив ҳаракатлари, Аждодларимизнинг педагогик мероси.

**ДИНАМИКА РАЗВИТИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ
НА РАЗВИТИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ
ЛИЧНОСТИ, ВЫДВИНУТЫХ НАШИМИ ПРЕДКАМИ**

Аннотация. В данной статье отражено научное и художественное наследие наших предков, созданные ими произведения, многие подходы, служащие обеспечению интеллектуального, духовного и культурного развития молодежи нашего народа. Подобные взгляды и сегодня служат обогащению содержания образования.

Ключевые слова: познавательная деятельность, великие мыслители, воображение, обучение, восприятие, духовная сила, учебные действия, педагогическое наследие наших предков.

**THE DYNAMICS OF THE DEVELOPMENT OF
PEDAGOGICAL VIEWS ON THE DEVELOPMENT OF
COGNITIVE ACTIVITY OF THE INDIVIDUAL, PUT FORWARD
BY OUR ANCESTORS**

Annotation. This article is devoted to the scientific and artistic heritage of our ancestors, the works created by them, many approaches that serve to ensure the intellectual, spiritual and cultural development of the youth of our nation. Such views still serve to enrich the content of education.

Key words: cognitive activity, great thinkers, imagination, learning, perception, spiritual strength, learning actions, the pedagogical heritage of our ancestors.

Кириш. Республикализнинг олий таълим тизимида аждодларимиз томонидан яратилган педагогик меросдан самарали фойдаланиш, унинг шахс имкониятларини кенгайтириш, уни интеллектуал, маънавий-

ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришдаги назарий-амалий йўналишларини тадқиқ этиш талабаларда ўкув-билув ҳаракатларини фаоллаштиришда мутафаккир аждодларимиз томонидан қўлланилган дидактик воситалар, усул ва методларидан фойдаланиш тизимини вужудга келтириш тақозо килинмоқда. Аждодларимиз томонидан яратилган педагогик меросни таҳлил ва талқин қилиш, унинг шахс камолотини таъминлашдаги имкониятларини очишга йўналтирилган тадқиқотларни тизимли тарзда амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш вазифаси устивор аҳамият касб этиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, катъий хаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш...» устувор вазифа сифатида белгиланган. Бундай ёндашув натижасида аждодларимиз мероси воситасида талабаларнинг ўкув-билув ҳаракатларини кенгайтиришнинг назарий-амалий асосларини тадқиқ қилиш учун қулай ҳукуқий меъёрий асос ва ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар вужудга келмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Ал-Хоразмий ўзининг “Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр вал муқобала”асарида билимларни эгаллашда кўргазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантиқий тафаккур, шахсий кузатишда тажрибаларга таяниш, савол-жавоб, баҳс-мунозара каби ўқитиш усулларига оид қарашларини баён қилган. Унинг мазкур йўналишдаги фикрлари талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда олган билимларини ҳаётга тадбиқ эта олиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қиласди. У синов-кузатиш, синов-тажриба ва асарларни шарҳлаш методларининг ҳам талабаларда билиш ҳаракатларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган.

Ал-Хоразмий абстракция, индукция ва дедукциянинг ҳам шахснинг билиш ва мантиқий фикрлаш имкониятларини кенгайтиришдаги аҳамиятини кўрсатиб берган.

Хоразмий ўзининг билиш назариясига оид қарашларида моддий оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги объектив муносабатлар, табиий жараёнларни билиш, сезидан мантиқий тафаккур орқали фарқ қилишини таъкидлаб, «...сезги орқали билиш, бу қисман билиш бўлса, мантиқий баён, ақлий билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади», деб ҳисоблаган. Ал-Хоразмийнинг назарида инсон ва унинг сезгиси, ақл-идроқи моддий олам ривожланишининг олий маҳсули бўлиб, камолотга етишишининг энг муҳим омиллари илм-маърифатли ва юксак ахлоқий меъёрларни эгаллашdir.

Абу Наср Форобий ўз давридаёқ педагогика фанининг вазифаларини ажратиб кўрсатган эди. У таълим-тарбиянинг методлари, усуллари ва воситаларини аниқлаб, назарий жиҳатдан тавсифлаган. Форобий томонидан таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методлари кўрсатиб ўтилган. Мутафаккир илгари сурган таълим-тарбия усуллари бугунги кунда ҳам таълим тизими учун алоҳида аҳамиятга эга.

Абу Райҳон Берунийнинг билиш назариясига оид қарашлари ҳам



педагогика фани учун алоҳида қимматга эга. Мутафаккир таълим олувчиларни ранг-баранг ўқув материаллари билан банд қилиш, уларнинг хотирасини чархлаш зарурлигини уқтирган.

Берунийнинг таълим жараёнида узвийлик, изчилик, ўқув материалларининг ранг-баранглигини таъминлашга оид карашлари бугунги кунда талабаларнинг ўқув-билив ҳаракатларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Абу Али ибн Сино ҳам ёшларнинг мантикий тафаккурини ривожлантириш, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш кераклиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган. У гурухда ўқитишга оид қимматли фикрларни илгари сурган. Чунки гуруҳ аъзолари билим олиш жараёнида ўзаро ҳамкорликка киришадилар. Натижада уларнинг билиш имкониятлари кенгаяди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Шарқ қомусий олимлари ва мутафаккир педагоглари Мусо ал-Хоразмий «Ал-китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр вал муқобала», Ал-Киндий «Инсоний билимлар таснифи», Абу Наср ал-Форобий «Ихсо ал-улум» («Илмлар таснифи») ва «Фозил одамлар шахри», Абу Али ибн Сино «Донишнома», «Тадбири манзил» ва «Ақсом ал-улум ақлийя», Абу Райхон Беруний «Минерология», «Ҳиндистон», «Сайдона», Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калити»), Исмоил ал-Бухорий «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ва «Ал-адаб ал-муфрад», Абу Исо ат-Термизий «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», Юсуф Ҳос Ҳожиб «Қутадғу билиг», Кайковус «Қобуснома», Маҳмуд аз-Замахшарий Замахшарий «Атвок уз-захаб фи-л мавоиъ ва-л-хутаб» («Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари», Нажмиддин Кубро «Фи-ал-адаб» («Одоб қоидалари»), Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин» (Ожизлар саботи), Бурхониддин Зарнуджий «Ўқувчига таълим йўлида йўлланма», Аҳмад Юғнакий «Ҳибат ул-ҳақойик», Амир Темур «Темур тузуклари», Мирзо Улуғбек «Зиж» ва «Тарихи арбаъ улус», Алишер Навоий «Ҳамса» ва «Маҳбуб ул-қулуబ», Абдураззоз Самарқандий «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Абдураҳмон Жомий «Баҳористон», Саъдий «Гулистон», Давоний «Ахлоқи Жалолий», Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний», Бобур «Бобурнома», Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» ва «Шажараи тароқима», Мунис Хоразмий «Мунис ул-ушшоқ» ва «Саводи таълим», Муҳаммад Содиқ Қошғарий «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби»), Муҳаммадизо Оғаҳий «Таъвизул-ошиқин», Фурқат «Илм ҳосияти», «Кўргазма» ва «Гимназия», Сўфи «Устод», «Мударрис» ва «Дарс», Аҳмад Дониш «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар»), Саидрасул Саидазизов «Устоди аввал», Али Аскар Калинин «Муаллим Соний», Мунаввар Қори «Адиби аввал», Абдулқодир Шакури «Раҳнамои савад», Абдулла Авлоний «Адабиёт ёҳуд миллий шеърлар» («Адабиётдан хрестоматия»), «Адиби аввал», «Иккинчи муаллим» ва «Туркий гулистон ёҳуд ахлок», Маҳмудхўжа Бехбудий «Болалар учун китоб», «Исломнинг қисқача таърифи», «Амалиёти ислом», Садриддин Айний «Тахзиб ус-сибён» («Бола тарбияси»), Абдуҳолиқ Үсмон Қори «Таҳсил ул-тавжид», «Енгил адабиёти»,

Муҳаммаджон Қори Наимжон «Одобли бола», Раҳимов Муҳаммаджон Мирза «Таълимий ҳисоб» («Арифметика таълими»), Саидаҳмад Сиддиқий «Миръати адаб» («Одоб кўзгуси»), Абдурауф Фитрат «Раҳбари нажот» ва «Сайёхи ҳинди баёноти», Ҳ.Ҳ.Ниёзий «Қироат», «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» каби асарларида инсоннинг ақлий билиш имкониятларини кенгайтириш, интеллектуал фаолиятини ривожлантиришга оид қимматли фикрларни илгари сурғанлар.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Педагогик ғоялартурли даврдажамиятва шахстараққиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда вужудга келган ва муайян даврнинг ижтимоий буюртмасини ўзида мужассамлаштирган. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш учун узоқ даврлар мобайнида яратилган педагогик мероснинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда саралаш ва таълим-тарбия мазмунига тадбиқ этиш лозим. Таълим мазмунига буюк мутафаккирлар меросидан талабаларнинг ўқув-билив харакатларини фаоллаштиришга хизмат қиласидан ёндашувларни ажратиб олиб, сингдириш тақозо қилинмоқда.

Буюк мутафаккирлар ўз асарларини асосан таълим-тарбиянинг мазмуни ва усусларини бойитишига йўналтирилган ҳолда яратгандар. Энг қадимги билиш усуслари ифодаланган ёзма ёдгорниклар юон тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг «География» асарлари, Хитой солномалари, «Авесто» ва Урхун-Энасой битикларида, Махмуд Кошгариининг «Девону лугатит турк» асари каби манбалар ҳисобланади.

Ушбу манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, аждодларимиз жуда қадим замонлардан бошлаб, шахс таълим-тарбиясига алоҳида талаблар билан ёндошганлар. Чунки улар ёшлиарнинг ақлий харакатларини фаоллаштириш, уларда зукколик сифатларини таркиб топтиришга интилганлар. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» аждодларимизнинг ўтмишдаги тили, ёзуви, таълим-тарбияси, инсонни фаоллаштиришга оид илк қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Ушбу асарда хаёлий образлар ёрдамида инсоннинг тасаввурини ривожлантириш асосида таълим-тарбия бериш йўллари кўрсатилган.

Аждодларимизнинг педагогик меросида ақлий тарбия марказий ўрин эгаллайди. У инсонга берилган энг улуғ неъмат эканлигини мутафаккирлар қайта-қайта таъкидлаганлар. Шахс ўзнинг билиш харакатларини фаоллаштириш учун ақлан етук бўлиши керак.

Аждодларимиз ақлни икки йўналишда тавсифлаганлар:

- а) нарса-ҳодисалар ва борлиқнинг ҳақиқий манзарасини идрок этишга асосланган билимлар мажмуи;
- б) инсоннинг мавжуд билимларни идрок этиш имконияти.

Аждодларимизнинг педагогик таълимоти бугунги кунда ҳам талабаларнинг ақлий камолотини таъминлаш, уларнинг билиш имкониятларини кенгайтириш учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қиласидан.

Мутафаккирлар ёш авлодга таълим-тарбия берадиган устозларга ҳам



алоҳида талаблар қўйғанлар. Бу ҳақида Кошифий ўзининг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида қуйидагиларни кўрсатиб ўтган:

“Биринчидан, шайх комил маърифат эгаси бўлсин...

Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғаб олсин.

Учинчидан, етук руҳий-маънавий қуввати бўлсин, токи агар мурид тариқат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон қилолсин, тўғри йўлга солсин.

Тўртинчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин.

Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва таъмани тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин.

Олтинчидан, ростлик ва бегараз дўстликни шиор килсин, ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккюзламачилик қилмасин.

Еттинчидан, қалбida шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаати ва умумманфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин”.

Ушбу талаблар бугунги кунда олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагоглар учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг юксак савияли, билимдон, зукко ва зийраклик билан талabalарга ёндошишлари кераклигини англатади.

Устозларнинг савиясига қўйиладиган талабларни Накшбандийлик тариқатининг йирик намоёндаси Баҳоуддин Накшбанд ҳам алоҳида кўрсатиб ўтган: “...Масалан, улар маърифат аҳлидир ёки муомала аҳлидир ё мухабbat аҳлидир ёки тавҳид аҳлидир, дейишади. Авлиё ҳолининг муқаммаллиги ва даражасининг ниҳоятга етганлигини бесифатлик, бенишонлик билан изоҳлайдилар. Бесифатлик Аллоҳдан юз берувчи кашф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир...”.

Алломалар шогирдларининг сифатлари ҳақида ҳам тўхталгандар. Жумладан, Ҳусайн Воиз Кошифий мазкур сифатларни қуйидагича тавсифлайди: «Агар муриднинг нечта сифатлари бўлиши керак, деб сўрасалар, ўнта деб айтгил. Аввал шуки, у балоғат ёшига етган бўлиши керак. Чунки балоғатга етмаган кишини тавбага келтириб бўлмайди ва тавба қилмаган одам муридликка муносиб эмас. Иккинчидан, у оқил одам бўлиши лозим, чунки ақлли бўлмаса, сўзни пасту-баланди, рамзий-ботиний маъноларини англамайди. Учинчидан, муслим бўлсин, агар мусулмон бўлмаса, тавба келтириши мумкин эмас. Тўртинчидан, талабгор бўлсин, яъни талаб йўлига жидду жаҳд билан қадам қўймаса, тараққий этмайди. Бешинчидан, садоқатли бўлсин, чунки агар сидқу дилдан киришмаса, пирнинг маърифати қўнглидан жой олмагай ва агар пирнинг сўзи дилига таъсир этмаса, у мақсадига етолмайди. Олтинчидан, тобеъ бўлсин, яъни пирнинг ихтиёридан бир қадам ҳам чекинмасин. Еттинчидан, баланд идрокли бўлсин, яъни ўткир зеҳн ва зийраклик билан тўғри йўлни топиб олсин. Саккизинчидан, қабул этувчи бўлсин, яъни пирнинг сўзларини рост деб қабул қилсин ва пирга мақбул тушсин. Тўққизинчидан,

қаноатли бўлсин, яъни фақат зарурий эҳтиёжга яраша нарсалар (еб-ичиш, кийиниш) билан қаноатлансин, ортиқчасини талаб килмасин, зеро ортиқча талаблар кишини тариқат шуғлидан четлаштиради. Ўнинчидан, солим (бугун) бўлсин, яъни бошқа пирга кўл бермаган бўлсин, бошқа киши билан келишиб, ахд қилмаган бўлсин, чунки аҳду-паймон битта бўлади...”

Мутафаккир аждодларимиз ёшларга ҳаётни қадрлаш ҳақида ҳам қимматли ўгитлар берганлар. Улар жамиятни ривожлантирувчи асосий мезон сифатида акл-заковат, кучли фаросат, рухий ишорат, саховат, ҳалол меҳнат қилиш ва огоҳликдан иборат эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатганлар. Мутафаккирларимиз илмий фаолиятида ёшларни илм-маърифат эгаллашга ундаш ва бу йўлда фаол ҳаракатланишга устивор ўрин берилган. Амалий фаолият тажрибаси ва билимларни эгаллаш зарурлиги мутафаккирлар томонидан эътироф этилган. Улар ёшларни мунтазам огоҳликка чакирганлар.

Мутафаккирлар ёшларни ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлишга даъват қилганлар. Алломаларнинг педагогик қарашларида хукукий таълим-тарбия етакчи ўрин эгаллаган. Уларнинг таъбирича, барча яхши амаллар таълим олувчиларга ёшликтан бошлаб сингдирилиши керак. Жумладан, Шайх Хованд Тохур ёшларга хукукий билимларни ўргатиш орқали уларни ўз ҳақ-хукуклари, жамиятнинг хукукий асосларини билишга даъват этган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбияга оид барҳаёт қарашлардан бугунги кун амалиётида фойдаланиш муҳим.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Бугунги кунда талabalар касбий компетенцияларни эгаллашлари, ўз билимларини чуқурлаштиришлари, мashaққатлардан чўчимасдан мустақил билим олишлари учун ушбу ўгитлар алоҳида қимматга эга. Инсон ўз мақсадига иродавий зўриқишилар натижасида эришади. Ўз мақсадига эришиш натижасида инсонда қоникиш хисси пайдо бўлади. Натижада эзгу хатти-ҳаракатларни амалга оширади, касбий юксалиш йўлида дуч келадиган интеллектуал қийинчиликларни сабр билан енгишга муваффақ бўлади. Аждодларимиз ҳар доим ёшларнинг юриш-туришига алоҳида эътибор қаратганлар. Улар бу соҳада ўз қарашлари ва концепцияларини баён этганлар. Ушбу концепция айниқса нақшбандийлик тариқатининг “Назар бар қадам” қоидасида ўз ифодасини топган. Ушбу қоидани ўрганиш натижасида талabalар ўз-ўзларини англаш, хатти-ҳаракатларини муносиб баҳолаш, синчковлик, эҳтиёткорлик, ўз устларида қунт билан ишлаш қўнималарини эгаллайдилар. Шунга кўра, «Назар бар қадам» қоидаси ёшларнинг қалби ва иймонини поклашга хизмат қилади. Қалб назоратига эга бўлган бўлажак мутахассислар ўз касбий фаолиятлари давомида эҳтиёткорлик, масъулиятлилик сифатларини намоён этадилар. Улар жамият манфаатлари йўлида хизмат қилишга интиладилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 224 б.
2. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. —Т.: Чўлпон, 1994. – 432 6.